



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Усмонов Ахроржон<sup>1</sup>, Мақсумов Набижон<sup>2</sup>, Инамов Одил<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Фарғона давлат университети ўқитувчиси

<sup>2,3</sup> 1-курс магистранти

## 1946-1991 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

**Аннотация:** Фарғона водийси аҳолисининг ижтимоий-моддий аҳволини 1946-1991 йилларда яъни иккинчи жаҳон урушидан кейинги ва совет даврининг тугашигача бўлган даврни ўз ичига олади, чунки бу давр ичида совет давридаги ижтимоий таъминотига доир асосий қонунлар қабул қилинган Бироқ, ижтимоий таъминоти соҳасидаги ўзгаришлар китобларда батафсил ёритилмаган. Ижтимоий соҳани тавсифлашда муаллифлар иш ҳақи (ўртача ва минимал), уй-жой ва таълимдаги ўзгаришларга кўпроқ эътибор берилган.

**Калит сўзлар:** ногиронлар, пенционерлар, меҳнат қобилятини йўқотганлар, касаба уюшмаси, кўп болали оилалар, суғурта, имконияти чекланганлар, вақтинча иш қобилятини йўқотганлар.

1961 йилда “Андижон вилояти Ленин районидаги колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш тўғрисида низом” қабул қилинади<sup>1</sup>. Унга кўра, Колхозда ишлаб қариган, колхоз ишида меҳнат қобилятининг йўқотиб инвалид бўлиб қолган аъзоларига ва вафот этган колхозчининг боқувчисини йўқотган оила аъзоларига колхоз пенсиясини ўз вақтида тўлаш ва пенционерга етказиб беришни таъмин этиш мақсадида «Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш» тузилган.

<sup>1</sup> Андижон вилояти Ленин районидаги колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш тўғрисида низом. – Тошкент, 1961. – 12 б.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш юридик шахс ҳудудларидан фойдаланади, унинг мустақил баланси, ўз номи ёзилган штамп ва печати бўлган. Пенсия тўловчи колхозлараро кенгашга колхознинг аъзо бўлиб кириш масаласини ҳар гал колхозчилар умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилиши ҳал қилган.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш идорасини сақлаш харажатлари ва колхоз пенсиясини колхозлараро кенгашга аъзо бўлган колхозларнинг маблағлари ҳисобига тўланган. Келгуси йилда тўланиши лозим бўлган колхоз пенсияси учун ҳар бир қишлоқ хўжалик артели колхоз пенсияси билан таъминланиши лозим бўлган колхозчиларнинг сонига қараб пул чиқарган. Пенсия фондининг миқдори бултурги йиллик ҳисобот муҳокама қилинган пайтда умумий йиғилиш қарори билан белгиланган.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш тўлайдиган колхоз пенсияси почта орқали ҳар бир пенсионернинг уйига етказиб берилган. Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш ўз ишидаги ташкилий ва техник масалаларда район социал таъминот бўлими ва район қишлоқ хўжалик инспекциясининг кўрсатмаларига амал қилади. Колхозлараро кенгаш ўзининг ҳамма оператив, молиявий ва хўжалик фаолиятида жорий қонунларга, пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ҳар бир колхознинг Низомига, меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг қарорларига ва ушбу Низомга амал қилади.

1955-йил 1-2 сонли қарорларида Ўз ССРда давлат томонидан етказиб берилган ва аҳолининг қанча қисми пенсия ва нафақалар билан таъминлангани кўрсатилган.

Унга кўра 1954-йил ҳолатига кўра Андижон вилоятида аҳолининг 77,8 % , Наманган вилоятида 88,8%, Фарғона вилоятида эса аҳолининг 84,0% нафақалар билан таъминланганлиги кўрсатилган. Шунингдек бу кўрсаткич Наманган шаҳрида 70 % , Учкўргон туманида эса бу 50 % ташкил этган.

Фарғона вилоятида нафақалар билан билан 84,0 % ни ташкил қилган бўлса, Қўқон шаҳрида 35 % дан ошмаган. Сурхондарё вилоятида пул ўтказмалари уйга етказиб бериш билан боғлиқ вазият қониқарсиз бўлиб, бу ерда етказиб беришнинг ўртача фоизи ўртача 21 % ни ташкил қилган.

Уйга пенсия пул ўтказмаларининг қониқарли тарзда етказиб берилиши ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан алоқа органлари томонидан етказиб бериш устидан назоратнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлган.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг тузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш шу кенгашга аъзо бўлган қишлоқ хўжалик артелларининг вакиллари билан тузилган. Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш ўз аъзолари орасидан кенгаш раисини 2 йил муддатга сайлаган. Колхозлараро кенгаш раисининг меҳнатига ҳақ колхозлараро кенгаш қарори билан белгиланган миқдорда тўланган. Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг бош бухгалтери кенгаш раисининг тавсиясига биноан кенгаш қарори билан ишга тайинланган ва ишдан ҳам шу тариқа бўшатилган.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- a) колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг молия режаларини, харажат сметаларини ва колхозлараро кенгашнинг квартал иш режаларини тасдиқлаш;
- b) колхоз пенсиясини тўлаш учун колхозлараро кенгашга аъзо бўлган ҳар бир колхоз томонидан топширилиши лозим бўлган маблағнинг миқдорини ва топшириш муддатларини белгилаб чиқиш;
- c) колхоз пенсиясини почта орқали белгиланган муддатларда мунтазам равишда пенсионерларга етказиб берилишини таъмин этиш па бунинг устидан назорат қилиб туриш;
- d) колхозлараро кенгаш идорасининг штатини тасдиқлаш, маъмурий ва ёрдамчи ишдаги ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;
- e) колхозлараро кенгаш идорасининг ўзига муносиб бино, жиҳоз, транспорт воситалари ва зарур бўлган бошқа буюм билан таъмин қилиш;
- f) колхозлараро кенгашнинг йиллик ҳисобот ва балансини, шунингдек раиснинг колхоз йиғилишларида қиладиган ҳисобот маърузаси тезисларини тасдиқлаш;
- g) колхозлараро кенгашга янги аъзолар қабул қилиш;
- h) ўз қарорларининг ва колхозлар билан кенгаш ўртасида тузилган шартномаларнинг бажарилиши устидан, шунингдек колхозчиларга пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг тўғри жорий этилиши устидан назорат қилиб туриш.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш раиси ушбу Низомга асосланиб кенгаш ишига раҳбарлик қилади. Колхозлараро кенгаш раисининг зиммасига колхозлараро кенгашнинг навбатдаги мажлисини ҳар кварталда бир марта ўтказиб туриш, зарур бўлиб қолганда ёки кенгаш аъзоларидан камида учдан бир қисми талаб этганда навбатдан ташқари мажлис чақириш, колхозлараро кенгаш идорасининг молия планларини, кирим-чиқим сметаларини ва штатларини тузиб чиқиш ва кенгашнинг тасдиғига тақдим этиш вазифаси юкланган. Бундан ташқари, СССР Давлат банки бўлимларида ва бошқа кредит муассасаларида колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг ҳисоб рақамларини очиш ва ёпиш, колхоз пенсиясини тўлаш учун ва колхозлараро кенгаш идорасининг харажатлари учун кенгашга топширилган маблағларга эгалик қилиш, банклардан кредит олиш ва кредит муассасалари орқали бошқа хил молия ва ҳисоб-китоб операцияларини юргизиш ҳам зиммасида эди. Шунингдек, колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг фаолиятига доир шартномалар тузиш; колхоз пенсияси тайинлаш ишларини тўғри ташкил қилишда, колхозчиларга пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида колхоз мажлиси қабул қилган Низомнинг талабларига мувофиқ колхоз пенсиясини белгилашда, колхоз пенсия фондларини тузишда ва колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорларига ва колхозлар билан икки ўртада тузилган шартномаларга мувофиқ; колхоздан тегишли маблағларнинг колхозлараро кенгаш ҳисобга белгиланган муддатга ўтказишда колхоз бошқармаларига ёрдам кўрсатиши лозим бўлган. Бундан ташқари, шартномада кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида тўла-тўқис бажармаган юридик шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг ишлари бўйича давлат ва жамоат муассасаларида вакил бўлиш, пул ва материаллар олиш учун

ваколатномалар бериш вазифалари юклатилган. Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш молия-бюджет интизомига риоя қилиниши ва шартномаларда олинган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда ишнинг жонкуярлик билан олиб борилиши учун қонуний тартибда масъул эди.

Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгашнинг маблағлари оборот маблағлари сифатида ва пенсия тўлаш учун ҳамда кенгашнинг ишларига доир бошқа харажатлар учун колхозлар томонидан кенгаш ихтиёрига ўтказилган пуллардан, бошқа манбалардан тушган (кредит муассасаларига омонат қўйилган маблағлар юзасидан келган процентлар ва шу каби) пуллардан иборат бўлган.

Колхозлардан келган маблағларнинг тўғри ва ўз ўрнига сарфланишини таъмин қилиш мақсадида колхозлараро кенгаш ҳар бир колхоз пенсия фонди маблағларини ҳисобга олиб борилишини ташкил этган. Нафақахўрларга пенсияни ҳар бир колхознинг пенсия тайинловчи комиссия чиқарган қарорга мувофиқ равишда тўлайди ва шу мақсад билан ҳар бир пенсионерга шахсий ҳисоб очган. Белгиланган миқдордаги колхоз пенсиясини почта орқали пенсионерга тўғри ва ўз вақтида тўлаб турилиши учун жавобгар бўлган. Колхоз пенсиясини пенсионернинг уйига элтиб бергани учун амалдаги қоидаларга мувофиқ почта ҳақи тўланган. Колхозчиларга пенсия тўловчи колхозлараро кенгаш идорасининг харажатларини бошқарган.

1963 йил 1 январда Фарғона шаҳрида рўйхатдан ўтган 10109 нафар пенсионерлар мавжуд эди<sup>2</sup>.

**Фарғона шаҳри ижтимоий таъминот бошқармаси маълумотларига кўра 1965 йилда шаҳар бюджетидан пенсия тўлашга ажратилган харажатлар<sup>3</sup>**

Пенсия номи	Контингент			Миқдор	Шу жумладан ҳар чоракда			
	Йил бошига	йил ўрталарида	йил охирида		1	2	3	4
фуқаролик уруши ногиронларига пенсия	12	12	12	3700	900	900	1000	900
бошқа пенсионерларнинг нафақаси	296	300	295	34900	7200	9000	9000	9700

<sup>2</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 178-фонд, 39-рўйхат, 1-иш, 35-варак.

<sup>3</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 178-фонд, 39-рўйхат, 1-иш, 11-варак.

**Фарғона шаҳри ижтимоий таъминот бошқармаси маълумотларига кўра 1965 йилда шаҳар бюджетидан пенсия тўлашга ажратилган харажатлар<sup>4</sup>**

Пенсия номи	Контингент			Миқдор:	Шу жумладан ҳар чоракда 1 2 3 4			
	Йил бошига	йил ўрталарида	йил охирида					
фуқаролик уруши нафақахўрлари	8	8	8	2200	600	500	600	500
бошқа нафақахўрларнинг нафақаси	307	307	307	36000	9300	9000	8700	9000

**Фарғона шаҳри ижтимоий таъминот бошқармаси маълумотларига кўра 1965 йилда шаҳар бюджетидан пенсия тўлашга ажратилган харажатлар<sup>5</sup>**

Пенсия номи	Контингент			Миқдор:	Шу жумладан ҳар чоракда			
	йил бошига	йил ўрталарида	йил охирида					
ногиронлик нафақаси	8	8	8	3000	800	800	800	600
бошқа пенсонерларнинг нафақаси	317	317	317	31900	11000	10000	6000	4900

**1965 йил Фарғона шаҳри ижтимоий таъминот бошқармасига шаҳар бюджетидан протезлар олиш учун ажратилган харажатлар<sup>6</sup>**

Йили	жами	Шу жумладан ҳар чоракда 1 2 3 4			
1962 йил	1500	300	400	400	400
1964 йил	1200	350	300	250	300
1965 йил	1300	400	300	300	300

<sup>4</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 178-фонд, 39-рўйхат, 1-иш, 48-варақ.

<sup>5</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 178-фонд, 39-рўйхат, 1-иш, 11-варақ.

<sup>6</sup> Фарғона вилояти давлат архиви, 178-фонд, 39-рўйхат, 1-иш, 10, 47-варақлар.

1961 йилда СССР Олий Совети сессиясида “Иш ҳақидан солиқ олишни бекор қилиш тўғрисида” қарор қабул қилинади ва 1961 йил 1 октябрдан бошлаб 60 рублгача бўлган иш ҳақидан солиқ олиш тўхтатилади ҳамда 61 рублдан 70 рублгача иш ҳақидан олинадиган солиқ миқдори 40 фоизга туширилади. Бу қарорга биноан Фарғона водийси аҳолисининг иш ҳақи солиқлардан озод қилинади ҳамда 61-70 рублгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқ камайтирилади. Ўртача иш ҳақи 1965 йилдагига нисбатан 1970 йилда 115 рублгача кўпаяди<sup>7</sup>.

Саноат соҳасида фаолият юритаётган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1969 йилда 1965 йилга нисбатан 15 фоизга кўтарилди. 1972 йил 1 октябрдан СССРнинг бошқа жойларидаги каби Фарғона вилояти ўқитувчилари ва врачлари иш ҳақи ўртача ҳисобда 20 фоизга, болалар боғчалари тарбиячиларининг иш ҳақи эса 20 фоиздан ҳам юқорироққа кўтарилади<sup>8</sup>. Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғуруқдан кейинги бериладиган таътил муддати ҳам оширилади.

Биргина Кўкон шаҳрида 1965 йилда ижтимоий таъминот учун ажратилган маблағлар 1959 йилдагига нисбатан 2 баробарга ошади. 1970 йилда пенсия ва бошқа нафақа олувчи кишилар 22 минг кишини ташкил қилади<sup>9</sup>. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва уруш ногиронлари унинг моддий аҳволини яхшилаш борасида маълум бир ишлар амалга оширилади. Фақат пенсия ва нафақалар учун Кўкон шаҳри бюджетидан 1969 йилда 56 минг рубль сарфланади. Бундан ташқари, кўп болали оналарга алоҳида эътибор қаратилади. 1970 йилда улар шаҳарда 7543 нафарни ташкил этган, улардан 92 нафари “Қаҳрамон она” унвонига сазовор бўлишган. Уларга бериладиган жами нафақалар миқдори 532 043 рублни ташкил этган<sup>10</sup>. 1975 йилда Кўкон шаҳри ижтимоий таъминот бўлими 21 минг нафар пенсионерлар, кўп болали оналар ва боласини битта ўзи тарбиялаётган оналарга ҳамда ижтимоий таъминланмаган оилаларга нафақалар беришга алоҳида эътибор қаратилди. ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан Кўкон шаҳри ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан кўконликларга 7,5 миллион рубль тўланди<sup>11</sup>.

#### Фойдаланилган Манба Ва Адабиётлар Рўйхати:

1. Фарғона вилояти давлат архиви (бундан кейин – ФВДА), 1124-фонд, 15-рўйхат, 535-йиғма жилд, 49-варақ.
2. Народное хозяйство в СССР в 1990 году. Статистический ежегодник. — М: Финансы и статистика, 1991.-С.47.
3. Муравьева Н.А. Наши успехи // Социальное обеспечение. - 1958. — № 10. - С.6.
4. Ўзбекистон Миллий архиви, Р.96-фонд, 2-рўйхат, 2600-иш, 24-варақ.
5. Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.44
6. Ахмаджонов О. Изменения в материальной и культурной жизни трудящихся села Узбекистана в 70-е годы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Андижан, 1994. – С.36.

<sup>7</sup> Котов Ф.И. Восьмая пятилетка в действии. – М.:Знание, 1967. – С.42.

<sup>8</sup> Фарғона вилояти давлат архиви. 178-фонд, 39-рўйхат, 1-иш, 29-варақ.

<sup>9</sup> История Коканда. – Ташкент: Фан, 1984. – С.208.

7. История Коканда. – Ташкент: Фан, 1984. – С.208.
8. Усмонов А., & Мўйдинов Д. (2022). Фарғона Водийси Аҳолисининг Ижтимоий-Моддий Аҳволи. *Gospodarka I Innowacje.*, 24, 760-764.
9. Alimova, N., & Suyarkulova, G. (2022). Reviews On The History Of Light Industrial Enterprises In Uzbekistan. *Gospodarka I Innowacje.*, 22, 639-642.